

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019. Tar.02.10  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АХМЕДОВ БЕКЗОД АБДИРАХМОНОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОРАКЎЛЧИЛИКНИНГ АҲВОЛИ  
(1917-2017 йй.)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Ахмедов Бекзод Абдирахмонович**

Ўзбекистонда қоракўлчиликнинг аҳволи (1917-2017 йй.)..... 3

**Ахмедов Бекзод Абдирахмонович**

Состояние каракулеводства в Узбекистане (1917-2017 гг.)..... 23

**Akhmedov Bekzod Abdirakhmonovich**

The condition of Karakul sheep industry in Uzbekistan (1917-2017 y.)..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019. Tar.02.10  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АХМЕДОВ БЕКЗОД АБДИРАХМОНОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОРАКЎЛЧИЛИКНИНГ АҲВОЛИ  
(1917-2017 йй.)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2. PhD/Tag87 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган  
Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://www.samdu.uz>) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Ражабов Қаҳрамон Кенжаевич</b> тарих фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Турсунов Сайфулла Нарзуллаевич</b> тарих фанлари доктори, профессор <b>Қодирова Мамлакат Мўминовна</b> тарих фанлари номзоди, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Бухоро давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PHD.03/30.12.2019. Таг.02.10 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (998366) 239-11-40, (998366) 239 18 92; Факс: (998366) 239-11-40; E-mail: rektor@samdu.uz.

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (998366) 239-11-40, (998366) 239 18 92; Факс: (998366) 239-11-40;

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси)

**М.М. Исҳоқов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Г.Б. Нормуродова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

**И.М. Саидов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда XXI асрга келиб иқлим ўзгариши қишлоқ хўжалиги ишларига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Бу эса, унинг турли соҳаларини йўлга қўйишда янги ёндашувни талаб этмоқда. Хусусан, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти томонидан узоқ йилларга мўлжаллаб ишлаб чиқилган стратегик дастурлари доирасида Ер юзининг турли ҳудудларида юқори қийматга эга бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, селекция-наслчилик ишларини ташкил этиш, чорвачилик унумдорлигини ошириш, чорва касалликларининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар олиб борилмоқда<sup>1</sup>. Чорвачиликни ривожлантириш нафақат дунё аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш, балки чорва моллари терисидан кийим-кечак тайёрлаш нуқтаи-назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Дунёнинг АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Голландия, Россия ва бошқа ривожланган давлатлари илмий тадқиқот марказларида қишлоқ хўжалигининг турли йўналишлари бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, чорва моллари генетикаси, чорвачиликда илғор технологияларни қўллаш, чўл-яйлов озучабоп ўсимликларини кўпайтириш, ветеринария масалаларига алоҳида аҳамият қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда<sup>2</sup>. Бу соҳадаги тадқиқотлар кўламида сифатли мўйна тайёрлашга йўналтирилган илмий ишлар алоҳида ўринни эгаллайди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда совет даври ва мустақиллик йилларида қорақўлчилик соҳаси ривожланиши масалаларини тарихий таққослаш ва изчиллик асосида тадқиқ этиш мавзунинг халқаро миқёсда долзарблигини кўрсатади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон тарихи фанида соҳалар тарихини ўрганишга қаратилган тадқиқот ишлари кўпайиб бормоқда. Шулар орасида, қишлоқ хўжалигининг асосий йўналишларидан ҳисобланган қорақўлчилик соҳаси тарихи ҳам долзарб масалалар қаторидан ўрин эгаллайди. Асрлар давомида қорақўлчилик соҳаси Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг даромад соҳаси ҳамда халқ турмуш ҳаётида муносиб аҳамиятга эга бўлиб келган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида<sup>3</sup>ги қарорида, қорақўлчилик соҳасини ривожлантириш, қорақўл зотли қўйлар сони кўпайиши ва соҳада олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасига қаратилган қорақўл қўйларнинг янги турлари ва чўл озучабоп экинларининг янги навлари яратилишига эътибор кучайтирилиши таъкидланади<sup>3</sup>. Шу жиҳатдан, тарихий нуқтаи назардан, 1917-2017 йилларда Ўзбекистонда қорақўлчиликнинг аҳволи, соҳа кадрларини тайёрлаш ва эришилган илмий

<sup>1</sup> [https://en.wikipedia.org/wiki/Food\\_and\\_Agriculture\\_Organization](https://en.wikipedia.org/wiki/Food_and_Agriculture_Organization)

<sup>2</sup> <http://www.agrophys.ru/Agrophysical-institute/>, <https://www.iamo.de/>, <https://www.ars.usda.gov/northeast-area/wyndmoor-pa/eastern-regional-research-center/>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартда “Қорақўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. - <https://www.lex.uz/docs/3587487>

тадқиқот ишларини очиб бериш мавзунинг фан соҳасидаги заруратини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 14 мартдаги ПК-3603-сонли “Қоракўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2019 йил 28 март ПФ-5696-сонли “Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистонда қоракўлчилик соҳаси аҳолига оид тадқиқотларни концептуал-услубий ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тартибда гуруҳлаш мумкин: 1) совет давридаги илмий изланишлар; 2) мустақиллик йилларида олиб борилган тадқиқотлар; 3) хорижий тадқиқотчиларнинг изланишлари.

Совет даврида қоракўлчилик соҳасига доир илк нашрлар Иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келган<sup>4</sup>. Урушдан кейинги йилларда Москвада нашр этилган “Қаракулеводство и звероводство” журнали саҳифаларида эълон қилинган илмий мақолалар мавзу тарихшунослиги учун муайян даражада аҳамиятга эга<sup>5</sup>. XX асрнинг 50–60-йилларида қоракўлчилик соҳасига эътиборнинг кучайтирилиши ўз ўрнида чорвачиликнинг мазкур йўналишини ўрганиш ва тадқиқ этиш заруриятини келтириб чиқарди. Натижада бир қатор муаллифлар қоракўлчилик бўйича олиб борган изланишлари натижасини китоб ҳолида нашр эттирди<sup>6</sup>. С.Бадалбоев, Б.Н.Васин, Б.Грачкин, Ф.Жўраев,

<sup>4</sup> Юсупов У. За дальнейший подъём каракулеводческих совхозов, выступление на всесоюзном совещании по каракулеводству 29 июня 1942 г. в г. Самарканде. – Ташкент: Госиздат Уз ССР, 1942. – 27 с;

<sup>5</sup> Есаулов П.А. Состояние и задачи дальнейшего развития колхозного каракулеводства // Каракулеводство и звероводство. – Москва, 1948. №1. – С. 31-36; Канцерольский А.С. Организация стрижки овец в каракулеводческих совхозах // Каракулеводство и звероводство. – Москва, 1950. №1. – С. 35-37; Лысов А.М. Краткий обзор достижений Всесоюзного научно-исследовательского института каракулеводства // Каракулеводство и звероводство. – Москва, 1951. №1. – С. 69-72; Корнев П.Д. Итоги строительства в каракулеводческих совхозах за 1951 год и задачи на 1952 год // Каракулеводство и звероводство. – Москва, 1952. №2. – С. 8-11; Канцелярский А.С. Качество каракуля совхозов и колхозов за 1954-1955 гг. // Каракулеводство и звероводство. – Москва, 1956. №1. – С. 24-27; Тимченко П.Ф. Новое в работе чабанских бригад совхоза «Кенимех» // Каракулеводство и звероводство. – Москва, 1956. №1. – С. 30-34; Холин Г.Е. Из опыта проведения раннего окота каракульских овец в совхозе «Гузар» // Каракулеводство и звероводство. – Москва, 1956. №4. – С. 19-22; Бойко Д.Ф., Канцельский А.С. Ленинградский пушной аукцион и очередные задачи каракулеводства // Каракулеводство и звероводство. – Москва, 1956. №6. – С. 22-29; Будагов С.М. Как было создано ценное стадо каракульских овец в совхозе «Узбекистан». Овцеводство, – Москва, 1969. №1.–С.20-25;

<sup>6</sup> Кияткин П.Ф. Ўзбекистонда қўйчилик. – Т.: Ўздавнашр, 1952. –91 б.; Кузембоев Ш.К. “Кониимех” қоракўлчилик совхозининг илғор иш тажрибаси. – Тошкент: “Қизил Ўзбекистон”, “Правда Востока” ва “Ўзбекистони Сурх” нашриёти, 1957. –27 б.; Ризаев Г. Сельское хозяйство Узбекистана за 40 лет.–Ташкент, 1957. – 266 с.; Бадалбоев С. Ўзбекистонда қоракўлчилик. –Тошкент: Ўздавнашр, 1959. –40 б.; Ўша муаллиф,

С.М.Захаров, М.Ж.Зокиров, П.Ф.Кияткин, М.А.Кошевой, Ш.К.Кузембоев, А.А.Раҳимов, А.С.Степановаларнинг асарлари шулар жумласидандир. Муаллифлар ўз изланишларида қорақўлчилик соҳасининг турли йиллар давомида йўлга қўйилишини Ўзбекистондаги чорвачилик давлат хўжаликлари мисолида очиб беришга ҳаракат қилган. Уларда асосан совет даврида қорақўлчилик соҳасининг ютуқ ва муаммолари хусусида фикр юритилган. Муаллифлар асосан иқтисодиёт ёки қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассислари бўлганлиги боис, муаммога тарихий нуқтаи-назардан ёндашув эътибордан четда қолдирилган.

Мавзу тарихшунослигининг иккинчи гуруҳига киритилган адабиётлар мустақиллик даврида яратилиб, муаллифлар муаммони янгича ёндашувларга асосланиб таҳлил этишга ҳаракат қилганликларини кўриш мумкин<sup>7</sup>. Хусусан, А.Тангиров, А.Амиров, Д.Юсупов, Д.Тўраев, Ж.Нуралиев, Р.Бозоров, Ҳ.Каримов, М.Бобомухамедов, Н.Бобоқулов, А.Искандаров, С.Юсупов, М.Зиёдинов, К.Мадамино, У.Жумаев, Б.Шодиев, Ф.Оқбоев, М.Нарзиев, Б.Саидқулов кабиларнинг илмий мақолаларида қорақўлчилик соҳасининг

---

Ўзбекистон қорақўлчилик совхозлари. –Тошкент: “Қизил Ўзбекистон”, “Правда Востока” ва “Ўзбекистони Сурх” нашриёти, 1959. –45 б.; Кошевой М.А. Ўзбекистонда қорақўлчиликнинг ривожланиши. – Т.: Ўздавнашр, 1960. –30 б.; Грачкин Б., Степанова А.С. Ўзбекистон қорақўл қўйлари. – Тошкент: Ўздавнашр, 1961. –32 б.; Стоянкoвская В.И. Қорақўл қўйлари ўстириш тажрибаси. –Т., 1962. – 44 б.; Каракулеводство за рубежом: Сб. переводов статей и обзоров из иностр. период. Лит / Сост. И ред. Сборника канд. с.-х. наук Н.С. Гигинейшвили. – Москва: Сельхозиздат, 1962. –478 с.; Носиров Б. Ўзбекистон совхозларида қорақўлчилик. –Тошкент: Ўздавнашр, 1963. –139 б.; Муротов И.И. “Қизилқум” қорақўлчилик совхозини. – Тошкент:Ўзбекистон, 1964. –56 б.; Раҳимов А.А. Совет қорақўли. –Тошкент: Ўзбекистон КП МКнинг нашриёти, 1967; Камолов У. Қарақўлчиликни ривожлантириш резервлари. (Иқтисод фанлари д-ри К.И.Лапкин таҳрири остида). – Тошкент: Ўзбекистон, 1968. –75 б.; Васин Б.Н. и др. Руководство по каракулеводству. – Москва: Колос, 1971. –320 с.; Жиликова В.С., Чепилова А.К. Основы каракулеводства. – Алма-Ата: Қайнар, 1976. –208 с.; Мирзабаев А. Қорақўл макони (Қашқадарё область Косон район “Муборак” қорақўлчилик совхозини тарихи) Ўзбекистон колхоз ва совхозлар тарихи. III-китоб. Тошкент: Ўзбекистон, 1972. –Б.534-581; 50-лет Всесоюзному научно-исследовательскому институту каракулеводства. (Исторический очерк) – Тошкент: Фан, 1980. –96 с.; Захаров С.М., Атаханов Ш.А. Государственный племенной каракулеводческий завод “Нишан”. – Ташкент: Узбекистан, 1981. –96 с.; Жураев Ф. Развитие каракулеводства в Узбекистане. – Ташкент: Узбекистан, 1983. –103 с.; Абирқулов А. Проблемы размещения и развития животноводства в Узбекистане. – Т.: Фан, 1984. –81 с. ва бошқалар.

<sup>7</sup>Тангиров А. Қорақўлчилик (ёки унинг бозор иқтисодиёти шароитида равнақи) // Ҳаёт ва иқтисод. –№8, 1992. –Б. 54-55; Ешимбетов Р. Имконият етарли бироқ... // Ўзбекистон овози.– 1992, 13 март; Амиров А. Ўзбекистон қорақўли // Қишлоқ ҳаёти.– 1993, 13 май; Баракатов Б. Қорақўлчилик (ёки бозор иқтисодиёти шароитида бу соҳани қандай ривожлантириш мумкин? // Иқтисод ва ҳисобот.–1993.–№2.–Б.26-27; Юсупов Д. Қорақўл териларни қайта ишлаш // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 1993.– №3. –Б. 25-26; Тўраев Д. Қорақўлчилик ривожини давр талаби // Иқтисод ва ҳисобот.– 1996, –№11. –Б. 34-35; Нуралиев Ж. Қорақўл тери-Ўзбекистоннинг миллий бойлиги // Иқтисод ва ҳисобот, 1998.– №2. –Б. 31; Бозоров Р. Қорақўл-жавоҳир: (Республикада қорақўлчилик) // Жамият ва бошқарув. –1998. –№4. –Б.26-27; Каримов Ҳ. Қорақўлчилик муаммоси // Қишлоқ ҳаёти. –1998, 23 январь; Бозоров Р. Қорақўл – жавоҳир // Жамият ва бошқарув, 1998. –№4; Бобомухамедов М. Ўзбекистон қорақўли шухрати // Қишлоқ ҳаёти. –1998, 7 август; Нуруллаев Р. Қорақўлчилик ва бозор // Халқ сўзи. –1999, 17 апрель; Бобоқулов Н. Қорақўлчиликни ривожлантириш нималарни тақозо этади? // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –2000. –№3. –Б. 55-56.; Юсупов С. Қорақўлчилик маҳсулотлари етиштириш технологияси: Қорақўлчилик илмий маркази 70 ёшда // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –Тошкент, 2000.–№4. –Б. 35-36.; Искандаров А. Қорақўлқоқ сури // Қишлоқ ҳаёти.–2002, 11 апрел; Зиёдинов М. Қорақўлчиликни ривожлантириш йўлида: // Олий Мажлис Сенатининг кўчма йиғилиши // Қишлоқ ҳаёти. –2006, 22 август; Жумаев У. Қорақўлқоқ қорақўли // Қишлоқ ҳаёти. –2007, 2 февраль; Мадамино К. Қорақўлчилик: кеча, бугун, эртага. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.–2007. –№6. – Б. 13-14.; Жумаев У. Қизилқумдаги ислохотлар // Қишлоқ ҳаёти. –2009, 7 август; Шодиев Б. Қорақўлчилик истикболи // О'zbekiston qishloq xo'jaligi. –2010. –№5. –Б. 34.; Жумаев У. Қизилқум кенгликларини: Қорақўлчилик // Қишлоқ ҳаёти. –2010, 10 август; Аҳмедов Ф., Газиев А., Нарзиев М. Қорақўлчиликдаги муҳим тадбирлар // О'zbekiston qishloq xo'jaligi. –2011. –№2. –Б. 8-9.

муаммолари, эришилган ютуқлари, ривожлантириш омиллари, келгуси вазибалари хусусидаги маълумотлар умумлаштирилади. Муаллифлар мустақиллик шароитида қоракўлчилик соҳасини йўлга қўйиш ва тизимда ислохотларнинг олиб борилиши билан боғлиқ тарихий жараёнга ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганлар. Масалан, А.Тангиров, Б.Баракатов ва Р. Нуриллаевларнинг мақоласида бозор иқтисодиёти шароитида қоракўлчилик соҳасини ривожлантириш омиллари таҳлил этилса, Ҳ.Каримов ва Н.Бобоқуловнинг изланишларида асосий эътиборни соҳа муаммолари таҳлилига қаратилади.

Бу даврда яратилган ҳамда Ўзбекистон тарихининг совет ҳокимияти йиллари тадқиқ этилган фундаментал тадқиқотлар ва коллектив монографияларда мавзунинг айрим жиҳатлари ёритилган<sup>8</sup>. Улар орасида айниқса, 2019 йили етакчи тарихчи олимлар томонидан яратилган “Ўзбекистон тарихи (1917-1991 й.)” номли иккита китоб диққатга сазовордир. Асарда совет даврининг турли йилларида қоракўлчилик соҳаси муаммолари янгича назарий-методологияга асосланиб баён этилади. Шунингдек, яна бир қатор тадқиқот ишларида қоракўлчилик соҳасининг турли йўналишлари масалалари очиб берилган<sup>9</sup>.

Бундан ташқари, бир қатор хорижий олимлар томонидан ҳам ушбу соҳа қисман ўрганилганлигини кўриш мумкин. Хусусан, А.А.Деген, Р.В.Бенжамин, С.Кервен, С.Ж.Шоeman, А.Ралф, каби олимларнинг чорвачилик соҳасидаги илмий изланишлари шулар жумласига киради<sup>10</sup>.

Хуллас, мавзунинг қисқача тарихшунослиги шундан далолат берадики, қоракўлчилик соҳаси ҳақида турли даврларда қатор илмий мақолалар, рисола ва монографиялар яратилиб, диссертация ишлари ҳимоя қилинган бўлса-да,

---

<sup>8</sup> Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор Р.Я.Раджапова.– Ташкент: “Шарк”, 2000. –672 с.; Ўзбекистон тарихи (1917-1991й.). Иккита китоб. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Рахимов, Қ.Ражабов. – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2019. –560 б.

<sup>9</sup>Кадирова М. История развития живодноводства в Узбекистане.: Автореф. дисс... канд. ист. наук. –Ташкент, 1993. –27 с.; Нуриллаев Ж.Я. Қоракўлчилик қўйи мажмуини ислох қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш (Ўзбекистон Республикаси мисолида): Иқтисод. фан. ном. дисс... / Бозор иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти. –Тошкент, 1998. –146 б.; Бозоров А.Р. Қоракўлчилик ширкатларида ички хўжалик юритиш механизмини такомиллаштириш: Дис... иқтисод фанлари номзоди.– Тошкент, 2002. –133 б.; Эгамкулов М.О. Ўзбекистон завод типдаги жакет барра типли кумушсимон тусли сур қоракўл қўйларининг маҳсулотлари ва биологик хусусиятлари: К/х. фанл.номз. ...дисс. –Тошкент, 2005. –107 б.; Турсунов Х. Ш. Сур қўзиларда ранг-барангликнинг ифодаланиши ва уни селекциялаш хусусиятлари: Дис... К/х. фан. номзоди.–Самарқанд, 2007. –109 б.; Тўраев П. Сур қоракўл қўйларини экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришга селекциялаш.: К/х фанл. номз. ... дисс. – Самарқанд, 2009. –104 б.; Куkenов Ў. “Сарибел” завод типдаги сур қоракўл қўйларининг наслий хусусиятлари: К/х. фанл. номз. ...дисс. – Самарқанд, 2010. – 122 б.

<sup>10</sup> Degen A.A., Benjamin R.W., Abdraimov S.A. and Sarbasov T.I. (2002) ‘Browse selection by Karakul sheep in relation to plant composition and estimated metabolizable energy content’, Journal of Agricultural Science, Cambridge, Vol. 139, –№.3, pp.353–358. 2. Kerven C. (1995) Review of Planning and Policies on Extensive Livestock Development in Central Asia, Pastoral Development Network, Overseas Development Institute, London, Set 38. 3. Schoeman S.J. (1998) ‘Genetic and environmental factors influencing the quality of pelt traits in Karakul sheep’, South African Journal of Animal Science, Vol. 28, –№.3, pp.125–139. 4. Arbeid, Ralph A. 2008. Analysis of the leather industry in Balkh Province Afghanistan and Strategies for its Modernization and Development. Afghanistan: ict/unido/unctad Consultant. 5. Bravenboer, Brenda. 2007. Karakul – Gift from the Arid Land Namibia 1907 –2007. Namibia: Karakul Board of Namibia and the Karakul Breeders Society of Namibia, Windhoek. pp. 204. 6. Goldstein, Joseph. 2015. Niche Trade in Lamb Pelts Proves Vital to Ailing Afghan Economy. The New York Times, 23 April.



Ўзбекистон қорақўлчилик иши тарихи ҳозиргача яхлит тарзда тарихчилар томонидан ишлаб чиқилмаган.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режаси ва ОТ-Ф8-211 - “XX аср Ўзбекистон маданияти тарихи” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда 1917-2017 йилларда қорақўлчилик соҳасининг тарихий моҳиятини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Бухоро амирлигида қорақўл тери етиштириш соҳасини ёритиб бериш;  
БХСРда қорақўлчилик соҳасининг аҳволини таҳлил этиш;  
совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда қорақўлчилик соҳасидаги сиёсати ва амалиётининг моҳиятини очиб бериш;

Ўзбекистонда совет даврида қорақўлчилик соҳаси кадрларини тайёрлаш жараёнининг ташкилий асослари ва натижаларини кўрсатиб бериш;

совет даврида Ўзбекистонда қорақўлчилик соҳасида олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижаларини ютуқлар, камчиликлар, муаммолар кесимида тадқиқ қилиш;

мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қорақўлчилик соҳасини ривожлантириш борасидаги тадбирлар ва уларнинг натижаларини ёритиб бериш;

мустақиллик даврида қорақўлчилик соҳаси учун кадрлар тайёрлаш жараёнининг ҳолатидан келиб чиқиб, мавжуд муаммоларни кўрсатиш, давомий ривожланиш йўлларини белгиловчи таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда қорақўлчилик соҳасидаги илмий тадқиқот ишлари ва уларнинг самарадорлигини таҳлил этиш.

**Тадқиқотнинг объектини** Ўзбекистонда қорақўлчилик ишининг 1917-2017 йиллардаги ҳолати ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** 1917-2017 йилларда Ўзбекистонда қорақўлчилик ишининг ҳолати, соҳа кадрларини тайёрлаш жараёни ва илмий тадқиқот ишлари таҳлили билан белгиланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда хронологик изчиллик, ретроспектив, тизимли ва статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Бухоро амирлигининг қорақўлчилик соҳасини дунёга ёйишдаги роли, Бухоро (ўзбек) қорақўли жаҳон мўйна бозорининг энг харидоргир маҳсулоти сифатида аукционлар (*Санкт-Петербург, Лион, Лейпциг*)да юқори баҳоланишига доир тарихий воқеалар аниқланган;

совет даврида қорақўлчилик соҳаси Ўзбекистон чорвачилигида давлат даромадининг асосий йўналишларидан бири бўлганлиги, “халқ селекцияси”нинг ноёб кашфиёти сифатида янги навлар (*сур, кулранг*) яратилганлиги, қорақўлчилик совхозлари ташкил этилиши, соҳа кадрларини тайёрлаш жараёни билан боғлиқ тарихий воқеалар далилланган;

мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қорақўлчилик соҳасида амалга оширилган ислохотлар, соҳанинг нотекис тараққиёти, чўл яйловларини сақлаш ва кўпайтириш, озуқабоп ўсимлик навларини яратиш, селекция-наслчилик саралаш ишларини яхшилаш, қорақўл қўйларининг янги завод типларини (“Бухорои–шариф”, “Тўрткўл”, “Нурота”, “Ўзбекистон”, “Сарибел”, “Авазчўл”, “Саржал” ва б.) яратиш йўли билан қимматбаҳо тери экспорти ҳажмини оширишга эришилиши натижасида валюта тушумининг яна бир йўналишини кенгайтириш имконияти яратилганлиги исботланган;

Ўзбекистонда қорақўлчилик фанида эришилган янги ютуқлар асосланиб, илк марта “зармалла” рангли қўй навининг яратилиши, асосан, қимматбаҳо терида яссилашган қаламгулликни таъминлашга катта аҳамият берилганлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда қорақўлчилик соҳасининг халқаро ярмаркалардаги ўрни, ўзбек қорақўлининг даражаси билан боғлиқ илмий маълумотлар олий таълим соҳасида тарих фанига киритилган;

Қорақўлчилик “халқ селекциясининг” кашфиёти эканлиги ва ҳар бир даврда янги-янги навлар яратилиб, такомиллашиб борилганлиги тарихий ҳужжатлари асосида далилланган;

Қорақўлчиликни ривожлантириш бўйича давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, хорижий инвестициялардан фойдаланиш ва чўл ҳудудларида чорва молларини суғориш тизимини тубдан модернизациялашга оид тавсиялар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда чорвачилик, хусусан, қорақўлчиликни янада ривожлантириш бўйича тегишли мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш асосида Ўзбекистон тарихининг мазкур тармоққа тегишли жиҳатларини ўрганиш ва ўқитиш учун амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Муаммонинг мазмунини очиб беришда Ўзбекистон Миллий архиви (ЎзМА), Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё вилояти давлат архивлари фондлари, турли илмий адабиётлар, матбуот материалларига асосланганлиги, хулоса, таклиф, тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, 1917-2017 йилларда Ўзбекистон қорақўлчилик соҳасининг ҳолати ва муаммоларига оид маълумотлар қорақўлчилик тизимидаги умумий ва хусусий жиҳатларини аниқлашга хизмат қилувчи назарий-методологик хулосаларни мукамаллаштиради.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти эса олий таълим муассасаларида Ўзбекистонда чорвачилик соҳаси тарихига доир махсус курслар ташкил этиш, илмий-амалий лойиҳаларнинг бажарилиши ва фундаментал асарлар яратишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** 1917-2017 йилларда Ўзбекистонда қорақўлчиликнинг аҳволи бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қорақўлчилик соҳасида амалга оширилган ислохотлар, соҳанинг нотекис тараққиёти, чўл яйловларини сақлаш ва кўпайтириш, озуқабоп ўсимлик навларини яратиш, селекция-наслчилик саралаш ишларига оид маълумотлардан Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган (2007-2011 йиллар) ОТ-Ф8-211 “XX аср Ўзбекистон маданияти тарихи” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 февралдаги 89-03-528-сон маълумотномаси). Бунда Ўзбекистонда чорвачилик соҳасидаги ислохотларнинг самарадорлиги, селекция-наслчилик ишларини яхшилаш каби иқтисодий аҳамиятдаги маълумотлар аниқланган.

Бухоро амирлигининг қорақўлчилик соҳасини дунёга ёйишдаги роли, Бухоро (ўзбек) қорақўли жаҳон мўйна бозорининг энг харидоргир маҳсулоти сифатида аукционларда юқори баҳоланишига доир илмий хулосалардан Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган (2007-2011 йиллар) ОТ-Ф8-211 рақамли “XX аср Ўзбекистон маданияти тарихи” номли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 февралдаги 89-03-528-сон маълумотномаси). Бу таълим жараёнида ёшларнинг XIX-XX асрлар Ўзбекистон тарихида чорвачилик, хусусан, қорақўлчилик соҳаси аҳволи ва ривожини билан боғлиқ холис билимлар олишига хизмат қилган.

совет даврида қорақўлчилик соҳаси Ўзбекистон чорвачилигида давлат даромадининг асосий йўналишларидан бири бўлганлиги, “халқ селекцияси”нинг ноёб кашфиёти сифатида янги навлар (сур, кулранг) яратилганлиги, қорақўлчилик совхозлари ташкил этилиши, соҳа кадрларини тайёрлаш жараёнига оид маълумотлар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Қашқадарё вилоят телевидениеси “Қашқадарё ахбороти” кўрсатуви сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон МТРК 02-15/353-сонли маълумотномаси). Бу Ўзбекистонда қорақўлчилик соҳасини ривожлантириш бўйича давлат томонидан олиб борилаётган чоратadbирлар моҳиятини аҳолига етказишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари анжуман ва семинарларда, шу жумладан, 2 та халқаро конференцияларда (Украина, Россия) ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш эълон қилинган. Шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган нашрларда 5 та мақола, жумладан, республика журналларида 6 та мақола ва хорижий журналларда 4 та мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 160 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот усуллари аниқланган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

**“XX аср биринчи чорагида Ўзбекистон худудида қоракўлчиликнинг ҳолати”** деб номланган биринчи бобда Бухоро амирлигида қоракўл тери етиштириш, БХСРда қоракўлчилик соҳасининг ривожлантирилиши билан боғлиқ тарихий жараёнлар таҳлил этилган. Шунингдек, Бухоро қоракўл тери етиштириш бўйича дунёда етакчилик қилганлиги, бу соҳада узоқ йиллик тажрибага эга эканлиги мисоллар ёрдамида очиб берилди. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги даврида энг яхши қоракўл қўйларининг подалари Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм худудларида боқилиб, улар учун қишлоқ озуқа тайёрланмаган ва йил бўйи яйловга ҳайдалган. XX аср бошларида қишлоқ каттиқ келганда уларнинг катта қисми, ҳатто 90 фоизи қирилиб кетган<sup>11</sup>. Бу каби ҳолатлар қоракўлчилик соҳасининг ҳам иқтисодийнинг бошқа тармоқлари қатори ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигидан далolat беради.

Қоракўл терилари Бухоро амирлигининг асосий даромад манбаи эди. Қоракўл терилари Россия ва Европа бозорларида юқори баҳолашиб, Санкт-Петербург аукционларида ва Франциянинг Лион, Россиянинг Нижний Новгород, Макар ярмаркаларида сотилган. 1908 йилда биргина Нижний Новгород ярмаркасида 1,7 млн дона қоракўл тери сотилган<sup>12</sup>. Инглиз савдогарлари Бухоро қоракўлининг юқори навлисига 115 – 120 рублдан ҳақ тўлаган<sup>13</sup>. Руслар эса 50 рублдан ҳақ тўлаганлар. Демак, инглизлар Ўрта Осиё бозорларини эгаллаш учун товарларга юқори нархлар белгилаш билан ҳаракат қилди.

Четга чиқарилган қоракўл териси навлари ичида Қарши беклигида етиштирилган кўкиш кулранг нави алоҳида ўрин тутган. Қоракўл терисининг доадор, карпак (муддатидан аввал туғилган қўзи териси) деб номланган навлари жуда машхур бўлиб, улар Россия, Англия, Туркия, Хитой, Ҳиндистон, Эронга кўп сотилган<sup>14</sup>. Демак, хориж савдогарлари қоракўл терилари айнан қайси худудда етиштирилганлигига ҳам аҳамият қаратганлар. Фарб харидорларининг қоракўл териларига қизиқиши юқори бўлиб, улар

<sup>11</sup> Васин Б.Н. и др. Руководство по каракулеводству. – Москва: Колос, 1971. – С. 65.

<sup>12</sup> Шимоновский В. В. Москве перед ярмаркой // Туркестанский сборник. – Том. 505. – С. 43-45.

<sup>13</sup> Каракул // Туркестанский сборник. – Том. 434. – С. 92-95.

<sup>14</sup> Хўжаев Ф. Танланган асарлар. 1 том. – Тошкент: Фан, 1976. – Б. 369.

қоракўл қўйларини Европага келтиришга ҳаракат қилсалар-да, Бухоро амирлиги тирик қоракўл қўйларини уларга сотишга монельлик қилиб келди. Аммо 1881 йили Полтава қишлоқ хўжалиги жамияти ташаббуси билан Бухоро қоракўл қўйлари Россия империяси ҳудудига илк марта кўпайтириш учун олиб борилди.

Зоотехник-олимлардан М.С.Карпов, М.Ф.Иванов, Р.Р.Правохенский, И.Ильичевский қоракўл қўйлари устида дастлабки тажрибаларни олиб борди<sup>15</sup>. Бу каби ҳаракатлар қоракўл қўйлари наслчилик ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлди. Тажрибалар натижасида қоракўл қўйлари терисини яхшилаш имкони яратилди.

Германиянинг Галла шаҳридаги Мартин Лютер номидаги университетнинг қишлоқ хўжалиги кафедраси профессори Юлиус Кюннинг ташаббуси билан 1902 йилда Бухородан 5 бош қоракўл зотли қўчқор ҳамда 20 бош совлиқ олиб келинади ва Германиянинг мустамлакаси ҳисобланган Жанубий-Ғарбий Африкада ҳам қоракўлчилик йўлга қўйилади<sup>16</sup>.

Биринчи жаҳон уруши даврида қоракўл қўйлари сони 3 бараварга камайди. 1914 йили Ўзбекистон ҳудудида жами 1 846 430 бош қоракўл қўйлар бўлган бўлса, 1917 йилда уларнинг сони 1 593 600 тага тушиб қолди<sup>17</sup>. Бухорода ҳар йили 2 миллиондан ортиқ қоракўл тери етиштирилган бўлса, 1920 йилда қоракўл тери етиштириш 200 000 донага тушиб кетди<sup>18</sup>. Бухоро амирлиги хорижга 1914 йили 900 000 дона қоракўл териси чиқарган бўлса, 1920 йил 50 минг дона қоракўл терисини экспорт қилган<sup>19</sup>. Давом этаётган уруш қоракўлчилик соҳасининг кескин қисқаришига олиб келди.

1920-1924 йилларда яшаган Хоразм ва Бухоро Халқ Совет Республикалари жуда мураккаб шароитда фаолият кўрсатди. БХСР ҳукумати халқ хўжалигининг асосини ташкил этган қишлоқ хўжалиги, хусусан, чорвачилик соҳасида кескин қарама-қаршиликлар билан бўлса-да, ўзгаришлар амалга оширилди. Бу даврда ҳам қоракўлчилик энг сердаромад соҳа сифатида ўз мавқеини сақлаб қолди.

1921 йили Россия ва БХСР ўртасида Иттифоқ шартномаси имзоланди. Унда асосан ҳукуматлар ўртасида ўзаро иқтисодий ҳамкорлик ҳақида келишиб олинди. Икки давлат ўртасида экспорт ва импорт ҳажми ортиб борди. 1921 йил январдан токи 1922 йил мартигача БХСР Россияга 60 000 дона қоракўл тери экспорт қилди<sup>20</sup>. Қоракўл терисига рус жамиятлари катта қизиқиш билан қаради. 1922 йили БХСРга РСФСР 300 000 дона қоракўл терига буюртма берди<sup>21</sup>. Бухоро Республикаси ҳукумати қоракўл териларини

<sup>15</sup> 50-лет Всесоюзному научно-исследовательскому институту каракулеводства. (Исторический очерк). – Ташкент: Фан, 1980. – С. 4-5.

<sup>16</sup> Ўзбекистон миллий архиви (Ўз МА), Р-1-фонд, 1-рўйхат, 747-иш, 80-82 варақлар.

<sup>17</sup> Ўз МА, Р-90-фонд, 1-рўйхат, 8- иш, 311-варақ.

<sup>18</sup> Бухорода қоракўлчилик иши // Озод Бухоро, 7-сон. 1923, 1 ноябрь.

<sup>19</sup> Бюллетень Первой экономической конференции Средне-Азиатских Республик (Туркестанской, Бухарской и Хорезмской). – Т., 6 март, 1923. – №2. – С.2-3.

<sup>20</sup> Известия Турк ЦИК, –№ 37, 17 февраль 1922г.

<sup>21</sup> Ўз МА, 48-фонд, 1-рўйхат, 2-иш, 10-25-варақлар.

хорижга чиқариш аҳоли моддий аҳволини яхшилаш билан бирга республикага валюта оқимини таъминлаш омили сифатида қаради.

Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси раиси Файзулла Хўжаев соҳага эътиборни кучайтириш зарурлигини куйидагича изоҳлайди: “Қоракўлчилик соҳаси хўжаликлари 60000 сўм миқдорида олтин пул қарз бериш (қоракўлчилик камида 2,5 миллион сўм олтин ҳисобида кредит олиб турган) ва чорвачилик маҳсулотларини сотиш учун қулай экспорт шароити таъминлаб бериш Бухоро халқ хўжалигининг ана шу муҳим тармоғини кўтариш мақсадида давлат томонидан кўриладиган зарур тадбирлардир. Кредитлар ва солиқ имтиёзлари бериш билан пахтачиликни рағбатлантириб, биз мамлакат хўжалигининг худди мана шундай асосий ва аҳамиятли тармоғи бўлган қоракўлчиликка ҳам шу даражада ёрдам бериш зарур, деб ҳисоблаймиз”<sup>22</sup>.

Хуллас, Бухоро Халқ Совет Республикаси даврида юзага келган иқтисодий таназзулни тугатиш, биринчи жаҳон уруши туфайли вайрон бўлган иқтисодиётни тиклаш учун ҳаракат қилинди. Олиб борилган тадбирларга қарамай БХСР даврида қоракўлчилик Бухоро амирлиги даврига нисбатан анча орқада эди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ўзбекистонда совет ҳокимияти йилларида қоракўлчилик соҳаси: ривожланиши ва муаммолари”** деб номланиб, унда совет ҳокимияти томонидан қоракўлчиликни ривожлантириш борасида олиб борилган тадбирлар, соҳада кадрлар тайёрлаш тизими ва унинг ҳолати масалалари очиб берилган.

Ўзбекистон ССР 1925 йил февралда ташкил топгач, иқтисодий соҳада Марказнинг манфаатлари янада кучлироқ устунлик қила бошлади. Республика асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашганлиги туфайли мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар гирдобидида қолди. 1925 йили Ўзбекистонда қоракўл қўйларининг сони 600000 атрофида бўлган<sup>23</sup>. Қоракўл тери ишлаб чиқариш ва маҳсулот экспорти кескин камайди.

1927 йили давлат қабул пунктида қора қоракўл терилари 14 рубль 50 тийиндан, 1928 йили 16 рублдан нархланган.<sup>24</sup> Етиштирилган қоракўл териларини асосан Боку майда ҳунарманчилик кооперацияси, Грузиянинг Кутаиси бош кийим ҳунармандлари артели, Боку шаҳрида “Азодеда” трести, Ленинград ишлаб чиқариш артели сотиб оларди<sup>25</sup>. Демак, Ўзбекистон қоракўлининг асосий харидорлари Кавказ ва Россиянинг турли минтақаларидаги кооперациялар бўлган.

Совет давлати қоракўл териларни хорижга имкон қадар кўпроқ экспорт қилиш мақсадида қоракўл қўйларни кўпайтириш тадбирларини кўради. Натижада 1929 йилга келиб Ўзбекистонда қоракўл қўйлари сони урушдан

<sup>22</sup> Хўжаев Ф. Танланган асарлар. 1 том. – Тошкент: Фан, 1976. – Б. 377.

<sup>23</sup> Всесоюзный научно-исследовательский институт каракулеводства. – М., 1975. – С. 8-10.

<sup>24</sup> Ўз МА, Р-91-фонд, 2-рўйхат, 160- иш, 346-350-варақлар.

<sup>25</sup> Ўз МА, Р-91-фонд, 2-рўйхат, 160-иш, 26-29-варақлар.

олдинги ҳолатга келди. Ўзбекистонда қоракўлчилик совхозлари дастлабки “Овцевод” акционерлик жамияти таркибига кирди<sup>26</sup>. 1931 йилга келиб Ўзбекистонда асосан 26 та туман хўжаликларида қоракўл тери тайёрланди<sup>27</sup>.

Қоракўл экспортини яхшилаш тадбирлари доимий равишда олиб борилган. Бунда халқаро аукционларнинг ўрни катта бўлди. Иттифокда мўйна маҳсулотлари бўйича биринчи халқаро аукцион 1931 йили мартда Ленинград шаҳрида ташкил этилди. Аукционда 11 та давлатдан 78 та фирма вакиллари иштирок этиб, унда 20 000 дона қора қоракўл тери сотувга қўйилган<sup>28</sup>.

Ўзбекистонда қоракўлчилик хўжаликлари сони кўпайтирилиб, 1936 йили “Ўзбекқоракўл” трестига қарашли 20 та совхоз фаолият олиб борди<sup>29</sup>. Кейинги йилларда Ўзбекистонда қоракўл етиштириш кўпайтириб борилди. 1940 йили 971 000 қоракўл тери тайёрланган бўлса, 1962 йили 1 871 000 дона тери тайёрланди<sup>30</sup>. Ўзбекистон тоза сифатли қоракўл тери етиштириш бўйича Иттифокда юқори ўринда турди. Таҳлилларга кўра, 1954 йили мамлакатдаги бу турдаги қоракўл терининг 48 фоизи Ўзбекистонда етиштирилган<sup>31</sup>.

СССР қоракўл тери етиштириш бўйича дунёнинг етакчи давлатларидан бири бўлди. Қоракўл терилари намуналари доимий равишда Бутуниттифок қишлоқ хўжалиги кўрғазмаси (ВДНХ)да намойиш этиб турилди<sup>32</sup>. 1956 йил Ленинград шаҳрида 27-Халқаро мўйна аукционидан 19 та давлатдан 119 та мўйна фирмаларининг вакиллари иштирок этди. Аукционда 880 000 дона турли навдаги қоракўл териси сотувга қўйилиб, унда Қозоғистон, Туркменистон қоракўл териларига нисбатан Ўзбекистон маҳсулотига хорижликлар катта қизиқиш билан қаради ва юқори баҳолади. Аукционда Ўзбекистон хўжаликларида тайёрланган қоракўл терилари Англия, АҚШ, Голландия, Финляндия, Швейцария, Австрия, Швеция, Канада фирмалари томонидан сотиб олинди<sup>33</sup>.

Кейинги йилларда ҳам Ўзбекистонда қоракўлчилик соҳасини ривожлантириш тадбирлари изчиллик билан олиб борилди. Республикада қоракўлчилик трестлари ташкил этилди. Масалан, 1977 йили Қашқадарё вилояти қоракўлчилик совхозлари трестига 15 та совхоз бирлаштирилди<sup>34</sup>.

Совет ҳокимияти йилларида қоракўлчиликни ривожлантиришнинг асосий омили сифатида кадрлар тайёрлаш ишига ҳам эътибор қаратилди. Ўзбекистонда 1929-1930 ўқув йилида Ўзбек давлат зооветеринария

<sup>26</sup> Ўз МА, Р- 837-фонд, 8-рўйхат, 63-иш, 50-варак.

<sup>27</sup> Ўз МА, Р-837-фонд, 9-рўйхат, 630-иш, 255-256 варақлар.

<sup>28</sup> Закиров М.Д. Каракуль Узбекистана. Ташкент: Узбекистан, 1970 – С.207.

<sup>29</sup> Ўз МА, Р-93-фонд, 11-рўйхат, 460-иш, 29-варак.

<sup>30</sup> Насиров Б. Опыт развития каракулеводства совхозов Узбекистана. Дисс...канд. сельскохозяйственных наук: Самарканд, 1963 – С. 8.

<sup>31</sup> Каннцепальский А.С. Качество каракуля совхозов и колхозов за 1954-1955 гг. // Каракулеводство и звероводство. – Москва, 1956. – №1. – С. 24-27.

<sup>32</sup> Каракулеводство и звероводство. – Москва, 1955. – №4. – С. 42-49.

<sup>33</sup> Каплин А.А. Итоги 27-го Международного пушного аукциона в Ленинграде // Каракулеводство и звероводство. – Москва, 1956. – №6. – С. 19-22.

<sup>34</sup> Қашқадарё вилояти давлат архиви (Қашқадарё ВДА), 498-фонд, 1-рўйхат, 219-иш, 12-15 варақлар.

институтида қоракўлчилик факультети фаолияти йўлга қўйилди. 1931 йили М.Ф.Иванов, В.М.Юдин, К.А.Бегидов, А.Ф.Нежилский каби олимларнинг ташаббуси билан Москва қўйчилик институтида қоракўлчилик факультети очилган<sup>35</sup>.

1932 йил 30 апрелда Ўзбекистон ССР ХКСнинг йиғилишида қоракўлчилик соҳаси учун кадр тайёрловчи институт ва Қоракўлчилик илмий тадқиқот институтини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.<sup>36</sup> Қоракўлчилик соҳаси учун олий маълумотли мутахассислар асосан Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти зоотехника факультетида тайёрланди. 1954 йили Москва момик мўйна институтининг тугатилиши муносабати билан қоракўлчилик факультети Самарқанд қишлоқ хўжалик институтига кўчирилиб, зоотехника факультетига қўшилди. Факультетдаги қоракўлчилик йўналиши 1966 йил августда мустақил факультетга айлантирилди<sup>37</sup>. Бу факультет Ўзбекистондан ташқари Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Россия каби республикалар ҳамда Туркия, Мўғулистон, Афғонистон, Миср ва бошқа давлатлардан талабалар қабул қилинган. Қоракўлчилик факультетининг биринчи битирувчилари 1967 йилга тўғри келди. Факультетда 1967 йил 21 нафар, 1977 йил 113 нафар, 1978 йил 102 нафар мутахассислар тайёрланди<sup>38</sup>.

Совет давлатида ҳам қоракўлчилик соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларига жиддий эътибор қаратилиб, янги ютуқлар қўлга киритилди. 1927 йили ЎзССР Ер ишлари Халқ комиссарлигининг қарори билан Каттакўрғондаги қоракўлчилик кўтони қишлоқ хўжалиги тажриба станцияси таркибига бўлим сифатида киритилди. Ўзбекистонда қоракўлчилик соҳасидаги илк тадқиқот иши М.С. Карновга тегишли бўлиб, бу 1925 йили терини намлантириш бўйича тадқиқот олиб борди. 1930 йили Бухоро қўйхонаси асосида ҳудудий тажриба станцияси ташкил этилди<sup>39</sup>. Қоракўлчилик соҳаси олдида турган мураккаб масалалар ечими ягона илмий-методик марказ, яъни ихтисослаштирилган илмий муассасани тузишни тақозо этди.

1935 йили СССР ХКС қарори билан тажриба станцияси Қоракўлчилик илмий-тадқиқот институти сифатида қайта ташкил этилди. 1939 йилдан институт Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий-тадқиқот институтига айлантирилди<sup>40</sup>. Институт қоракўлчиликдаги наслчилик ишлари маркази, чўл ва ярим чўл ҳудудларида ўсимликлардан янги ем-хашакларни аниқлаш бўйича селекция ишлари маркази, соҳани ривожлантиришнинг долзарб муаммолари бўйича илмий ишланмаларни ишлаб чиқариш бўйича фаолият кўрсатди.

<sup>35</sup> 50-лет Всесоюзному научно-исследовательскому институту каракулеводства (Исторический очерк). – Ташкент: Фан, 1980. – С. 4-5.

<sup>36</sup> Ўз МА, Р-837-фонд, 11-рўйхат, 858-иш, 17-18-варақлар.

<sup>37</sup> Самарқанд ВДА, 848-фонд, 1-рўйхат, 2251-иш, 1-25 варақлар.

<sup>38</sup> Самарқанд ВДА, 848-фонд, 1-рўйхат, 4537-иш, 1-9 варақлар

<sup>39</sup> Всесоюзный научно-исследовательский институт каракулеводства. – Ташкент: Узбекистан, 1975. – С. 3-4.

<sup>40</sup> Всесоюзный научно-исследовательский институт каракулеводства. – Ташкент: Узбекистан, 1975. – С. 3-4.



XX асрнинг 40-йилларида Бутуниттифоқ қорақўлчилик илмий-тадқиқот институти илмий ходимлари яйлов ва озуканинг тери сифатига таъсирини ўрганиш бўйича изланишлар олиб борди. И.Н.Дьячинков раҳбарлигида Р.П.Письминной, С.М.Бугадова, Т.Б.Чехиринадзе, Ф.Шарафутдинов, Т.Ахмаджанова, Н.С.Бодалбоев, Р.Раҳимов, Э.М.Ҳасанов, Б.И.Исаянц, Р.Г.Валиев каби тадқиқотчилар “Муборак” ва “Қарноб” давлат наслчилик заводида изланиш олиб борди<sup>41</sup>. Илмий муассаса ходимларининг саъй-ҳаракати билан соҳада туб ўзгаришлар амалга оширилиб, қорақўл қўйларнинг янги навлари, яйлов ва озуқа масалаларида қатор янгиликлар яратишга эришилди.

